

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА  
ИЖТИМОЙЙ-ГУМАНИТАР  
ФАНЛАР**

**1**

**ISSN 2181-7286**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА  
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР  
ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК ВА ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ  
ЖУРНАЛ**

ISSN 2181-7286

2020 №1

Январь-март

Илмий-методологик ва илмий-  
услубий журнал 2002 йилдан бошлаб  
чиқа бошлаган, йилига 4 марта чоп  
этилади

**Таъсисчи:  
И.КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Бош муҳаррир  
и.ф.д., проф. А.Қодиров**

**Бош муҳаррир ўринбосари  
доц. А.Мирзаев**

**Масъуль котиб  
доц.М.И.Сайдкаримова**

**Жамоатчилик кенгаши:**

Проф. С. М. Турабджанов (раис), проф.  
О.О.Зарипов, проф. Т.М.Ахмедов, д.т.н.  
Нематов Ш, проф. Н.Ф.Зикриллаев

**Таҳрир ҳайъати:**

Проф. Х.П.Абулқосимов, проф.  
М.Л.Турсунходжаев, проф. А.А.Хошимов,  
проф. Б.А.Хасanova, проф. А.И.Архитов, проф.  
И.Эргашев, проф. С. Отамуродов, проф.  
Н.Жўраев, проф. Р.Самаров, проф.  
М.Мирқосимова, проф. Б.С.Сиддиков, проф.  
У.Махкамов, проф. М.Бекмуродов, п.ф.д.  
Усаров Ж.Э., с.ф.д., проф.Пахрутдинов Ш.И.

**Таҳририят манзили:**

100095, Тошкент – 95, Университет  
кӯчаси, 2. тел:246-53-16, www.tdtu.uz E-mail:  
Ijtimoiy-fanlar@rambler.ru

**Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот  
агентлиги томонидан рўйхатта олинган,  
2007 йил 22 январь, № 0205 сонли  
гувоздома.**

**ISSN 2181-7286. Иқтисод бўлими ОАК  
рўйхатига 2019 йил 1 январдан, Педагогика  
ва психология булими 2019 йил 25 июндан  
киритилган**

Журналда маълумотлар босилганда  
далиллар кўрсатилиши шарт. Журналда  
чоп этилган маълумот ва келтирилган  
далилларнинг аниқлиги учун муаллиф  
жавобгардир.

<b>МУНДАРИЖА</b>	
<b>ИҚТИСОД</b>	<b>ДОЗ</b>
Бегматова Ш.А. Ҳолиёрова Ш.Қ. Ўзбекистонда инновацион сиёсатни шакллантириш ва ривожлантиришининг асосий йўналишлари	6
Ташмуҳамедова К.С. Бозор шароитларида курилишнинг ракобатбардошлиги	10
Мухамедова С.А. Ривожланган мамлакатларда пенсия жамғармаси маблагларидан ахолини кекса қатламини ижтимоий ҳимоя килиниш тажрибаси	14
Махмудов М.М. Ўзбекистон минтақаларида гастроономик туризмни ривожлантиришининг ўзига хос ҳусусиятлари	18
Мирзев Ш.А., Ахмедов А.К. Давлат қарзининг иқтисодий категория сифатидаги ҳусусиятлари	24
Кулматов А. Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни давлат томонидан кўлла-куватлашнинг жаҳон тажрибаси ва уни жорий килинг масалалари	30
Режапов Х.Х. Олий таълим хизматлари билан меҳнат бозорлари ўргасидаги муносабатларини оптималлаштириш йўналишлари	35
Сайдова Г.А., Ишмуҳамедова М.Х. Инвестициянинг иқтисодий моҳияти ва турлари	40
Қалмуратов Б.С. Институционал ислоҳотлар шароитида Коракалпогистон республикасида инновацион бошқарышнинг ташкилий-иктисодий механизминин ривожлантириш йўналишлари	46
Raimjanova M.A., Botirxo'ja A.F. Aksiyadorlik jamiyatlariga raqobatbardoshligini oshirish	50
Воҳидов А.К. Иқтисодиётни ривожлантишида инвестицияларнинг ўзига хос ҳусусиятлари	55
Султанов А.С. Коммунал хўjalигига уй-жой фондидан самарали фойдаланишини ташкил этиш масалалари	59
Умаров О.О., Занг Ли. Хитойда “Фан ва таълим” соҳасининг замонавий ва илмий йўналишларини ривожлантиришининг иқтисодий жиҳозлари	63
Тураев З.Н., Хуррамов Р.А. Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш ва туристик-рекреацон кластерни ташкил этишда инвестицияларни жалб этиши муаммолари	67
Разакова Б.С. Инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари	71
Сайдкаримова М.И. Ўрта Осиёда Темурийлар давригача бўлган иқтисодий фикрлар	75
Қаҳҳоров О.С., Носиров А.Э. Илмий-инновацион фаолиятини ривожлантиришда кадрлар бошқарувининг ўрни (олий таълим мусассасалари мисолида)	82
<b>ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ</b>	
Йўлдошева М.Б. Хорижий тилларни ўқитиш жараёнидан кейс-стади технологиясидан фойдаланишининг самарадорлиги	88
Турсунов А.М. Кишилик жамияти ривожланниши жараёнидан таълим соҳаси трансформацияси ва унинг Ўзбекистондаги ҳусусиятлари	93
Каримова Н.О., Акбарова Ш.А., Касимова Г.И. Информатика фанидан тўгаракларни олб бориша педагог шахснинг қасбий мослиги ва унинг компетенцияси	98
Салимова К.М. Тарбия жараёнини лойиҳалаштириш	102
Жуманова Ф., Эшмансува Н. Педагогик маҳорат ва малакавий тажрибага эга бўлиш – ўқитувчи фаолиятининг асоси	105
Ахророва С. Жамиятда инсоннинг шахс сифатида ўз онги ва салоҳиятини ривожлантириш омиллари	108
Абдулжалирова Ш. Ёш оиласининг замонавий муаммолари	112
Шоҳоджаева М.А. Техника йўналишларидаги мустақил таълимни ташкил этиши методикаси	116
Турдиев Ж.П. Қасб-хунар коллежларида назарий ва амалий таълимни ташкил этиши	119
Эгамова М.Х. Рус тилини ўқитишнинг коммуникатив тамойилари	123
Ариповна К.А. “Чизма геометрия” фанини ўқиттища ахборот технологияларидан фойдаланиши методикаси	126
Джураева Л.Р. Олий таълим тизимида фалсафани ўқитиш услубияти	130
Махкамов У., Махкамова Н.У. Илм - инсон камолотининг асосий мезони	135
Усаров Ж.Э., Шарипова Н.Г. Компетенциявий ёндашув – педагогик таълим инновацион кластерининг самарадорлик омили	138
Филимонова Л.Ю. Талабаларнинг интеллектуал меҳнат маданияти даражасини баҳолаш долзарбили	141
Мирҳамедова З. Ноғиллогиг ўкув юртларида нутқ кобилиятни ва сўз бойлигини оширишнинг баъзи усуслари	147
Рахманова Ю.Х. Ўйиншар орқали сўз бойлигини ўргатиш	153
Исматуллаева И.И. Таҳсил олувчиларга йўналтирилган машгулотлар ноанъанавий ўқитиш услуби сифатида	158
Имомжонова В.А. Мустақил фаолияти чет тили дарсларида ўргатиш	164
Жулиев Ш.Н. Таълимда замонавий информацион технологиялар ва уларнинг дарс бернишда кўлланниш	170
Мирабидова М.А. Лугатни ўқтида янги технологиялар	175

### Использованная литература

1. Концепция развития системы высшего образования Узбекистана до 2030 г. <https://nrm.uz/contentf?doc=602370 &products=1> (все законодательство узбекистана)
2. Мамардашвили М.К. Философия – это сознание вслух // Как я понимаю философию. — М.: Прогресс, 1990. – 368 с.
3. Антонова С.Г., Тюрина Л.Г. Современная учебная книга. - М., 2001.
4. Руткевич А.М. Философия в истории высшего образования: препринт WP/2014/02. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2014. – 52 с.
5. Парижская декларация по философии [Электронный ресурс] URL: <http://unesdoc.unesco.org/images/0013/001386/138673r.pdf>

**УДК:** 74.0

### ИЛМ - ИНСОН КАМОЛОТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

### НАУКА - ГЛАВНЫЙ КРИТЕРИЙ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО СОВЕРШЕНСТВА

### SCIENCE IS THE MAIN CRITERION FOR HUMAN EXCELLENCE

Махкамов У. (ТВЧДПИ, профессор)

Махкамова Н. (ТошДТУ кат. ўқитувчиси)

Мақолада стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали ўқитувчи фаолиятида илм-маърифат гояларини ривожлантиришининг мазмун-моҳияти илмий-педагогик жиҳатдан такомиллаштирилган.

**Калитли сўзлар:** ўқитувчи, илм, маърифат, маънавият, қадриятлар, ватанпарварлик, ахлоқ-одоб, интизом, ўқув-тарбия жараёни.

В научно-педагогическом контексте раскрыта сущность развития научных и образовательных идей в деятельности стратегического мыслителя, образованного и квалифицированного учителя.

**Ключевые слова:** учитель, наука, просвещение, духовность, ценности, патриотизм, этика, дисциплина, воспитание, процесс

*In the scientific and pedagogical context, the essence of the development of scientific and educational ideas in the activities of a strategic thinker, an educated and qualified teacher is revealed.*

*The essence of the development of scientific and educational ideas in the activities of a strategic thinker, educated, and qualified teacher is enhanced in the scientific and pedagogical context.*

**Keywords:** teacher, science, enlightenment, spirituality, values, patriotism, ethics, discipline, education, process

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил Олий Мажлис палаталарига қилган муражотномасида “боғчадан бошлаб олий ўқув юргигача-

таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилиш, ёшлар, бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак манавиятни ривожлантириш”га [1] эътибор қаратилган. Дарҳақиқат замонавий билимларни ўзлаштириши, юксак маданият эгаси бўлиш, ўз фаолиятида юксак чўққиларга эришиш, мамлакат тақдирни ва келажаги учун маъсулиятли, салоҳиятли, шиҷоатли, мустақил фикрлайдиган, ёшларни тарбиялашга оид вазифаларини амалга оширишда узлуксиз таълим тизимида профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис палаталарига йўлланган мурожатномасида узлуксиз таълим жараёнларида ислоҳотларни амалга ошириш, илм-маърифат ва инновация гояларини ўқувчи-ёшлар онгига етказиш, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялаш, хориждаги илфор тажрибаларни чукур ўрганиш, таълим жараёнини янгилаш, янги гояларни ўз фаолиятида амалга ошириш, ўқувчи-ёшларни янада фаол, янада ташаббускор бўлишига шароитлар яратишга оид ўқитувчиларнинг аник дастур ва “йўл харитаси”ни ишлаб чикиш каби вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган. Ҳадис китобларида мусулмон шахс учун илмнинг накадар зарурлиги баён этилган. “Бешиқдан то қабргача илм ўрган” деб, илм ҳар нарсадан юқори эканлиги, ҳеч нарса ундан юқори бўла олмаслиги кўрсатилган. Билим дунёни билиш билан баҳраманд бўлиб қолмай, шахс маънавиятини бойитишда аҳамиятли хисобланган. Шарқнинг буюк алломаси Абу Райхон Беруний ҳалқни илм олишга чақирганлар. Жумладан, Беруний илмнинг буюк кўзини шундай таърифлангар:

“Илмлар кўпdir, улар замон иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағbat қилиши, илмларни ва илм аҳлларини хурматлаш ўша иқболнинг белгисидир”.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз ижодида билимни юксак баҳолайди. Шоир билимни бойлик, кишин, кийим, емиш каби нарса-ҳодисаларга қиёслайди. Билим ва билимдонликни ҳис эта олмоқ, уни тушинмоқ даркорлиги, бола қанчалик эрта тарбия қилинса, шунча яхшилиги ҳақида ёзилади. Ўз замонасининг билимдон кишиларидан бўлган Абдураҳмон Жомийбутун куч-ғайратини ўз шогирди ва ёрдамчиларига билимлар беришга бағишлиади. У:

*Илмни дилга жсо қилишга тириш,  
Билиб ол-да, сўнгра чин ишга кириш.*

деб ёшларга мурожаат қилишида илм эгаллашга, одоб ахлоқ эгаси бўлишга чорлайди.

Буюк саркарда Амир Темур ҳам илмни улуғлаб, шундай дейди:

“Илм ва диннинг машҳур кишиларни ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар”.

Алишер Навоий “Фарход ва Ширин” достонида илм орқали Фарходнинг ақл-идрокли, билимдон, ҳунарманд, камтар, инсонпарвар, иродали ва эътиқодли инсон бўлганлигини кўрсатади. Бу достонни ўқиган ўқувчи инсоннинг етуклигини кўрсатувчи сифатлардан бири илм эгаллаш эканига ишонч ҳосил қилади.

*Жаҳонга қолмади ул етмаган илм,  
Билиб тасқиқини касб этмаган илм.*

Бу сатрларда шоир Фарҳоддаги инсоний сифатларни тараннум этиб, унинг факат илм эгаллабгина қолмай, одамийликнинг бўлак қадриятларини ҳам мутассил эгаллаганлигини кўрсатади. Абдулла Авлонийнинг фикрича, “илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, неъматидир. Илм ўрганмок олим бўлмоқ учун мактабга кирмок муаллимдан таълим олмоқ лозим”. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки илм-фандада тўппа-тўғри йўл бўлмайди. Илм-фаннынг метин қояларига чарчашдан қўрқмай эмаклаб чиқсан кишиларгина унинг нурли чўққиларига етиши мумкин. Илмнинг аҳамиятли эканлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-чи моддасида “Ҳар ким билим олиш хуқуқига эга” деб кўрсатилган.

Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилат бўлиб, дунёning иззати, охиратнинг шарофати хисобланади. Илмсиз инсон мевасиз дарахтга ўхшайди. Илм дарахт меваларидек ҳар шахсга озуқа бериб, маданият, инсоният, маърифат дунёсига олиб киради. Ёмон одамлардан, бузук ишлардан қайтаради. Яхши хулқ ва одобли бўлишга, эътиқодларини оширишга хизмат қиласди. Натижада илм кишилари ҳар ерда азиз ва хурматли бўладилар. Киши ҳаётидаги ишларни ҳақиқий тўғри йўлга соладиган восита бу – илмдир. Шунинг учун ҳам ҳалқ орасида илм орқали олий фазилатларга эга бўлган улуғликка ва орзу истакларга эришган буюк кишилар қадрланадилар.

Бугунги кунда илмли ўқитувчиларнинг истеъоди ва салоҳияти асосида дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар яратилмоқда. Улар ҳалқаро майдонда мамлакатимиз илм-маърифатини тарғибот қилишда ва мутахассисларни тайёрлаш кабиларни амалга оширмоқдалар. Ўзбекистонда ўқитувчиларнинг устозлик қобилияtlари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, истедодларини янада қўллаб-кувватлаш ва рағбатлантириш, таълим муассасалари фаолиятини бошқариш ва ташкил этишнинг маҳсус тизимини яратиш, мактабларда ишлай оладиган ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш кабилар давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Олий таълим муассасалари фаолиятини инновациялар асосида илғор таълим шакллари, педагогик технологиялар ва ахборот янгиликларини жорий этиш, ҳалқаро ташкилотлар ва эксперталарни жалб қилган ҳолда ижодий фаолиятга эга бўлган педагогик кадрларни тайёрлаш механизмлари жорий этилган. Ушбу жараёнларни амалга оширишда ўқитувчининг илми маърифатли ўқувчи-ёшларни камолотга етказишида муҳим ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президент Шавқат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарига мурожатномаси. REAFmoreatRltp:PeffectuzInI 3102
2. Хикматлар хазинаси. Т.1977, 68-б.
3. Юсуф Хос Хожиб “Кутадгу билиг” Т. Фофор Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987, 128 б.